

“ЎзРТХБ” АЖнинг индексини ҳисоблаш услуги

1. Умумий қоидалар

«ЎзРТХБ» АЖнинг «UZEX-EPI», «UZEX-EFMI», «UZEX-ENMI», «UZEX-ЕСPI», «UZEX-ЕСMI», «UZEX-ЕРII» индекслари (кейинги ўринларда – Индекс) “ЎзРТХБ” АЖнинг товарлар бозоридаги маълум сегментларининг жорий ҳолатини ва конъюктуранинг ўзгаришларини акс эттирувчи индикаторлар ҳисобланади.

Биржа индекси - бу биржа бозоридаги нархларнинг ўзгариш динамикасини тавсифловчи ва “Индекс саватига” кирувчи товарларнинг нархлари асосида шаклланувчи (интеграл индекс) ҳисоб ўлчовидир. Индекс ахборот функциясини бажаради ва индикатив мақсадларда қўлланилади.

«ЎзРТХБ» АЖнинг индекси савдо хафтаси давомидаги савдо натижалари бўйича шаклланган нархлар асосида миллий валютада ҳисобланади. Индексини ҳисоблаш учун бозор тенденциясига салмоқли таъсир этувчи, биржа савдоларида сотиладиган товарлар рўйхатини, товарлар номенклатураси (индекс савати)ни ўз ичига олади (индекс савати илова қилинади).

Биржа бозори сегментидаги тармоқ йиғма индексларини ҳисоблаш

Биржа бозоридаги саноат маҳсулотлари сегменти турли даражада агрегацияланган мос товарлар гуруҳи бўйича тармоқ йиғма нархлар индекслар ҳисобланади:

- Ёқилги саноатига оид товарлар бўйича (Exchange Petroleum Index-**EPI**);
- Қора металлургияга оид товарлар бўйича (Exchange ferrous metals Index -**EFMI**);
- Рангли металлургияга оид товарлар бўйича (Exchange non-ferrous metallurgy Index-**ENMI**);
- Кимё ва нефт-кимё саноатига оид товарлар бўйича (Exchange chemical and petrochemical Index- **ЕСPI**);
- Қурилишга оид саноат материалларига мансуб товарлар бўйича (Exchange construction materials Index **ЕСMI**);
- Қайта ишлаш саноатига оид товарлар бўйича (Exchange processing industry Index-**ЕРII**)

Товар нархлари йиғма индексларини ҳисоблаш учун икки статистика маълумотлари массивидан фойдаланилади:

кузатилаётган товарларнинг турлари бўйича нарх индекслари (таянч нархлар ва жорий нархлар);

жорий давридаги товарларнинг вазн структураси (алоҳида товар гуруҳлари бўйича сотилган маҳсулотлар ҳажми ва тармоқлар сегменти бўйича маҳсулотларнинг қиймат кўрсаткичи ҳажми).

Барча тармоқ индекслари ягона услубда ҳисобланади. Хафталик даврда биржада сотиладиган маҳсулотларнинг жорий номенклатураси ўзгарувчан бўлганлиги сабабли, биржа бозоридаги нархларнинг тармоқ индексини ҳисоблаш учун Пааше формуласи қўлланилади. Паашенинг нарх индекси ҳисобот даврида сотилган товарлар бўйича ҳисобот давридаги нархларининг таянч давридаги нархларига нисбатан ўзгаришини акс эттиради. Пааше индекси товарларнинг нархларини қанчалик арзонлашганини ёки қиматлашганини кўрсатади.

2. Биржа бозори сегмент индексларни ҳисоблаш формуласи

Сегмент индекси(IP) Пааше формуласига кўра ҳисобланиб, ҳисобот давридаги маҳсулотлар нархларини $P_t * Q_t$ ҳисобот давридаги сотилган маҳсулотларни таянч давридаги нархлардаги қийматига $P_0 * Q_t$ нисбатини кўрсатади.

$$IP = \frac{\sum N(P_t * Q_t)}{\sum N(P_0 * Q_t)}$$

IP = Даврий қийматларни ўзгариши бозор ўзгаришларини ифодалайди (нархларни тушиши ёки кўтарилиши)

P_t – Жорий даврга товар нархлари

P_0 – Таянч даврдаги товар нархи

Q_t – Сотилган товарлар ҳажми.

N – индекс саватига киритилган товарлар сони.

Рангли металлургия сегментига тегишли товарлар бўйича умумий индекс ҳисоблаш мисоли.

1-қадам: Ҳисобот даврида йиғма индексни ҳисоблаш учун назарда тутилган жами товарларнинг амалдаги нархлар йиғиндиси ҳисобланади:

Товар номи	Хафта давомида шаклланган ўртача нарх, Минг Сумда	Сотилган товар ҳажми (тегишли ўлчов бирликда)	Товарларни амалдаги нархлар бўйича қиймати
1. Алюминий	7 116,1	20	142 322,7
2. Магний лами	4 110,0	1	4 110,0
3. Мис ва ундан бўлган маҳсулотлар	23 196,1	1 085	25 167 834,4
4. Рух	14 746,4	48	707 828,8
Жами :			26 022 095,9

$$\sum N(P_t * Q_t) = (7\ 116 * 20) + (4\ 110 * 1) + (23\ 196,1 * 1\ 085) + (14\ 746,4 * 48) = 26\ 022\ 095,9 \text{ сум}$$

2-қадам: Йиғма индекс ҳисоблаш учун назарда тутилган барча товарларнинг ҳисобот даврида сотилган маҳсулотлар база нархларидаги қиймати ҳисобланади (индекс саватидаги товарлар).

Товар номи	Хафта давомида шакилланган ўртача нарх, Минг Сумда	Сотилган товар хажми (тегишли ўлчов бирликда)	Товарларни амалдаги нархлар буйича қиймати
1. Алюминий	6 847,7	20,0	136 954
2. Магний ломи	4 103,0	1,0	4 103
3. Мис ва ундан бўлган маҳсулотлар	19 048,2	1085	20 667 297
4. Рух	6 072,2	48,0	291456,6
Жами			21 099 810,6

$$\Sigma N(P_0 * Q_t) = (6\ 847,7 * 20) + (4\ 103 * 1) + (19\ 048,2 * 1\ 085) + (6\ 072,2 * 48) = 21\ 099\ 810,6 \text{ сум}$$

3- Қадам. Ҳисобот давридаги маҳсулотлар амалдаги нархларни $P_t * Q_t$ ҳисобот давридаги сотилган маҳсулотларни таянч давридаги нархлардаги қийматига $P_0 * Q_t$ нисбати

$$IP = \frac{\Sigma N(P_t * Q_t)}{\Sigma N(P_0 * Q_t)} = \frac{26\ 022\ 095,9}{21\ 099\ 810,6} = 123,3$$

3.Бошланғич маълумотлар

Индекс ҳисоблаш учун бошланғич маълумотлар бу –индексга киритилган товарлар бўйича ўртача нархларни ва сотилган товарлар хажмини ўз ичига олувчи шартномалар ҳисобланади.

4. Ахборотни тақдим этиш аниқлиги.

Индекс қиймати бутун сондан кейинги икки хона аниқлигида ҳисобланади.

5. “Индекс савати” фаол товарларининг рўйхати.

Индекс ҳисоби учун фойдаланиладиган фаол товарлар рўйхати биржа бозоридаги ҳолатга қараб ўзгаради.

Товарлар рўйхати “ЎЗРТХБ” бозорининг жорий ҳолатига асосан уч ойда бир мартаба тасдиқланади.

6. «ЕРІ», «ЕFMI», «ENMI», «ЕСPI», «ЕСMI», «ЕРII» индексларини таёрлаш даврийлиги.

Индекс ҳар ҳафтанинг бешинчи куни, индекс саватига кирадиган фаол товарларни ҳафта давомида бўлган савдо натижаларидаги нархи асосида ҳисобланади.

7. Маълумотни ошкоралиги.

Бу методика, шунингдек методикадаги ўзгаришлар ва қўшимчалари, индекс қийматлари, “Индекс савати” кучга киргунга қадар, 3 иш куни олдин “ЎЗРТХБ” интернетдаги расмий сайтида эълон қилинади.

8. Индексни ҳисоблаш методологиясига ўзгартиришлар киритиш тартиби ва назорати.

Ушбу методикани тасдиқлаш ва кучга киритиш, шунингдек методикага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарор “ЎЗРТХБ” Бошқаруви томонидан қабул қилинади.

Ёқилги саноати билан боғлиқ товарлар индекс саватчаси (Exchange Petroleum Index-EPI):

Суюлтирилган газ
Дизел ёқилғиси
Бензин
Индустриал мойи
Майиший печ ёқилғиси
Мотор мойи
Керосин
Трансформатор мойи
Трубина мойи
Гидравлика мойи
Трансмиссия мойи
Компрессор мойи
Дизель мойи
Редуктор мойи

Қора металлургия билан боғлиқ товарлар (Exchange ferrous metals Index - EFMI);

Арматура
Бурчак
Пўлат лист
Сим
Доира
Квадрат
Швеллер
Тилим
Қора металл ўрами

Рангли металлургия билан боғлиқ товарлар (Exchange non-ferrous metallurgy Index-ENMI);

Алюмин
Магний ломи
Мис ва ундан бўлган маҳсулотлар
Рух

Кимё ва нефт-кимё саноати билан боғлиқ товарлар (Exchange chemical and petrochemical Index- EСPI);

Полиэтилен
Минерал ўғитлар
Полипропилен

Қурилиш материалларига мансуб товарлар гуруҳи (Exchange construction materials Index ЕСMI);

Цемент
Сайкалланган ойна
Шифер
Битум
Оҳак
Гипс и гипс тошлари
Ғишт

Қайта ишлаш саноатига мансуб товарлар гуруҳи (Exchange processing industry Index-ЕРИИ)

Шрот
Шелуха
Ем учун дон
Линт
Саломас
Омухта ем
Глицерин
Полиакрилонитрил тола
Пахта гудрони
Соапсток